

9-10-2019

FORMATION OF INDICATORS FOR ASSESSING THE QUALITY OF TEACHING FOREIGN LANGUAGE IN NON-PHILOLOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Shakhlo Bakhtiyorovna Rakhimova
Docent of Tashkent State Pedagogical University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Rakhimova, Shakhlo Bakhtiyorovna (2019) "FORMATION OF INDICATORS FOR ASSESSING THE QUALITY OF TEACHING FOREIGN LANGUAGE IN NON-PHILOLOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 58.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/58>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

FORMATION OF INDICATORS FOR ASSESSING THE QUALITY OF TEACHING FOREIGN LANGUAGE IN NON-PHILOLOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Рахимова Шахло Бахтиёровна

Тошкент давлат педагогика университети, доцент

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасаларидаги нофилологик таълим йўналишларида чет тилларни ўқитиш сифатини баҳолаш индикаторларини шакллантириш масаласи таҳлил қилинган. Муаллиф таълим жараёнини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари масаласига бағишланган олим-тадқиқодчиларнинг тадқиқот ишлари ва фикрларини таҳлил қилиб, уларни ушбу мақолада акс эттирган.

Калит сўзлар: нофилологик таълим, чет тилларни ўқитиш сифатини баҳолаш, таълим сифати, таълим самарадорлиги, баҳолаш кўрсаткичлари, мезонларию.

ФОРМИРОВАНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В НЕФИЛОЛОГИЧЕСКИХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Рахимова Шахло Бахтиёровна

Ташкентский государственный педагогический университет доцент

Аннотация: В статье рассматривается вопрос о формулировании оценки качества преподавания иностранного языка в нефилологическом высших учебных заведениях. Автор проанализировал результаты исследований и мнения исследователей, посвященные критериям оценки и измерения процесса обучения, и представил их в этой статье.

Ключевые слова: нефилологическое образование, оценка качества обучения иностранным языкам, качество образования, эффективность образования, показатели оценки, критерии.

FORMATION OF INDICATORS FOR ASSESSING THE QUALITY OF TEACHING FOREIGN LANGUAGE IN NON-PHILOLOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Rakhimova Shakhlo Bakhtiyorovna

Docent of Tashkent State Pedagogical University,

Abstract: The article deals with the issue of formulating an assessment of the quality of teaching a foreign language in non-philological higher educational institutions. The author analyzed the research results and the opinions of researchers on the criteria for assessing and measuring the learning process, and presented them in this article.

Key words: non-linguistic education, assessment of the quality of teaching foreign languages, quality of education, education efficiency, assessment indicators, criteria.

Бугунги кунда барча таълим йўналишларида чет тилларни ўқитиш сифатини баҳолаш, сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш таълим соҳасининг асосий масалаларидан бирига айланган дейиш ўринлидир.

Юртимизда таълим самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларида

таълим олаётган бўлғуси мутахассисларнинг билим даражаси, касбий компетентлигини ривожлантириш, касбга бўлган эътибор ва уларни меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиш берилмоқда ва шунинг баробарида кадрлар билимини баҳолаш, таълим муассасаларининг ўқитиш фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, етишиб чиқаётган кадрлар фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлилиги уларнинг хорижий тилларни мукаммал эгаллаши ва ўз фаолияти давомида узвий фойдаланиши билан боғлиқдир. Бугунги кунда юртимизда рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, ривожланиш даврида ҳар бир нофилологик олий таълим муассасасини битираётган ёш мутахассис ўз фаолиятини ҳоҳ тадбиркор, тадқиқотчи олим, тиббиёт ходими, ёки ўқитувчи-мураббий бўлсин хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улар билан мулоқот фаолиятини олиб бормасдан ривожлантириш мушкул эканлигини яхши англайди.

Шундай экан биз тайёрлаётган мутахассислар шунчаки битирувчи эмас, етук мутахассис бўлмоғи зарурлигини ҳис этишимиз, таълим самарадорлигини ошириш борасида зарурий чора-тадбирлар кўрмоғимиз лозим. Шу ўринда, юртимизда чет тил таълими ва унинг самарадорлигини ошириш борасида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мунтазам эътибор берилаётгани, қатор қарорлар ва фармонлар қабул қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов томонидан 2012-йил 10-декабрдаги ПҚ, 1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиндики, унда чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш борасида қатор таклифлар бериб ўтилди [1].

Ушбу қарор давр талаби, эҳтиёжга кўра, ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда ушбу қарор бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909- сонли кафедрасининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига кўра олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилан бориш масаласида кафедра тасарруфидаги ҳар бир ўқув фанидан ўқув услубий мажмуалар яратиш ва олий таълимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш масаласи ва хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш мақсадида кафедрада энг замонавий ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини таълим жараёнига тадбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш масаласи олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

ва ўқитиш самарадорлигини таъминлаш масалалари белгилаб берилди ва улар асосида олий таълим муассасалари ўқитиш фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, юзага келган муаммоларни бартараф қилиш чораларини муҳокама қилиш заруриятини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 август, 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига ўқитиш сифатини таъминлаш, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, чет тилларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини ривожлантириш асосида малака сертификатига эга бўлган ўқувчилар, талабалар ва педагогларга имтиёзлар бериш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди [2].

Олий таълим тизимида таълим сифатини баҳолаш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга экан, ушбу жараён ҳам дунё олимлари эътиборидан четда қолган эмас. Улардан (М.П.Афанасев, И.К.Кейман, А.И.Севрук, А.И. Субетто, В.А.Селезнева, Ю.П.Адлер, В.Качалов, А.М.Новиков, Д.А.Новиков, Т.В.Терентева, М.Н. Кулакова ва бошқалар) ва хорижий олимлар (П.Якобсон, Л.

Харвей, Д.Тиммерман, Е.В.Балатский, Ж.Болтон, Ф.Букстеин ва бошқалар) нинг кўплаб асарлари [4] ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири таълим сифатини баҳолаш, бир-бирини тўлдиришга ўз нуқтаи назарини таклиф қилади.

Шу ўринда, таълим бериш, ўқитишдаги сифат тушунчасига тўхталиб ўтсак, бу тушунча турли тоифа вакиллари учун турли мазмунни ифодалайди:

“Таълим сифати” тушунчаси.

Ўқитувчилар учун “Сифат” - сифатли ўқув дастурларининг мавжудлиги, ўқув материаллари ва ёрдамчи материалларнинг мавжудлиги ва нормал меҳнат шароитлари.

Талабалар кўпинча сифатни ўқув муассасаси ичидаги иқлим билан боғлайди, у ердаги “қулайлик” билан.

Талабалар ота-оналари эса уни индивидуал ривожланиш билан боғлашади, талабаларнинг таълимдаги, иш жараёнидаги муваффақиятлари.

Иш берувчилар таълим сифатини фаол турмуш тарзи, битирувчиларнинг билимлари ва кўникмалари билан мувофиқлаштиради, уларга оптимал қарорлар қабул қилишга имкон беради ва ҳоказо.

Қуйидаги жадвалда ўқув жараёнидаги таълим сифатининг турлари ва ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

1-жадвал

Таълим сифатининг турлари ва ўзига хос хусусиятлари



К.П.Мохананнинг таъкидалашича, олий таълимда ўқитиш қуйидаги хусусиятларни ўзида намоён қилади: ўқитиш -бу талабаларга дарс бериш фаолияти, таълим-бу таълим олувчиларга билимларни узатиш фаолияти ва ўқитиш-ўқувчиларга нимадир ўргатиш. Ўқитиш жараёни ва билимларни узатиш жараёни ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Бироқ, ўқитиш фаолияти ўрганишга олиб келмаса, ҳеч қандай таълим берилмаган ҳисобланади. Худди шундай, агар таълим сифатли бўлмаса, таълим муваффақиятсизликка учрайди[3].

Қуйидаги жадвалда таълим сифатини баҳолаш тизимининг мезонлари ва кўрсаткичлари билан таънишиб чиқсак.

2-жадвал

Таълим сифатини баҳолаш тизимининг кўрсаткичлари

Мезонлар	Кўрсаткичлар
Ўтган даврга нисбатан ижобий кўрсаткичлар бўйича талабалар эришган ютуқлари (ўқитиш даражасининг ижобий динамикаси).	охирги аттестация баҳолари
Таълим сифатининг барқарорлиги ва ўсиши (ўтган йилларда талабаларнинг билим даражаси сифатининг ижобий динамикаси).	Яқуний назорат баҳолари
Билимларни баҳолаш танловлари (IELTS, CEFR)да иштирок этаётган талабалар сонининг кўпайиши.	Танловлар, билимларни баҳолаш тестлари қатнашчиларининг реестри. Ҳар хил босқичлардаги натижалари
Талабаларнинг ижодий ишларини кўпайтирилиши	Иштирокчилар реестри. Ҳар хил даражаларда мукофотланганлиги

Дарсдан ташқари масъулотлар билан тўғарақларга қатнашиши	фойдали бандлиги,	Талабалар фаолиятлари даражалари тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботлари билан тасдиқланади.
--	----------------------	---

Нофилологик таълим йўналишларида чет тиллар таълимини сифатини баҳолаш индикаторларини шакллантиришда чет тил таълимининг давлат стандартлари талаблари, шунингдек, чет тил соҳасидаги халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги; ўқув жараёнининг психологик-педагогик омилларини, талабаларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш; талабаларнинг билим олиш қобилиятини тўлиқ назорат қилишни таъминлаш; инглиз тилини ўқитишнинг турли босқичлари бўйича мунтазам маълумотларни олишни таъминлаш; мунтазам текширувлар ўтказиш ва талабаларнинг билимларини баҳолаш; ўқув дастурлари тузатиш, зарур бўлса керакли ўзгартиришлар киритиш таклифини бериш ва аниқлаштириш бўйича олинган маълумотларга мувофиқ амалга оширилиши; инглиз тилини мукаммаллаштириш босқичлари давомийлигини кузатиш; узлуксиз тил таълими тизимида инглиз тилини изчиллик билан ўзлаштириш жараёнининг ўзаро боғлиқлиги ва бошқалар ҳисобга олинмоғи лозим.

Таълимнинг самарадорлиги[5] энг аввало бўлажак мутахассисларга чет тилни ўргатаётган муаллимларнинг педагогик маҳорати ва касбий билимларига бевосита боғлиқ бўлгани ҳолда, чет тил таълими сифатини баҳолашда таълим берувчиларнинг: - ишлаш кўрсаткичлари; -услугий ресурслари; -жамоавий фаоллиги; - талабалар билимини ўқув йили давомида баҳолаш босқичлари (оралиқ, якуний баҳолаш) жараёнида ўзаро ҳамжиҳатлиги, кафедра масъулларининг адолатлиги ва очиқлиги, баҳолашнинг объективлиги; -малака ошириш курсларидан мунтазам ўтганлиги кабилар билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, таълим олувчиларнинг дарслик ва ўқув материаллари билан таъминланганлиги, кутубхона фонди, сертификатлар, дарсдан бўш вақтларида қўшимча тил тўғарақларига жалб қилинганлиги ҳам ушбу жараённинг муҳим омили ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тил ўргатиш жараёни ва уни баҳолаш шунчаки амалга ошириладиган оддий фаолият эмас, жиддий қаралмоғи ва юзага келган масалаларни ечими топилоғи зарур бўлган ишдир. Жараённи баҳолаш баробарида юртимиз келажаги учун зарур бўлган малакали кадрларни етиштириш ва дунё миқёсида муносиб ўрин эгаллашимиз ва ўзимизни мустаҳкам тутиб туришимиз мумкин. Зеро, баҳолаш бизга таълим жараёнининг изчиллиги, фаоллиги ва ўзига яраша натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

References:

- 1.Karimov I.A "CHet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida." PK – 1875, Xalq so'zi, 2012.
- 2.O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 11 avgust, 610-sonli "Ta'lim muassasalarida chet tillarini o'qitishning sifatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori. 2017 yil 11 avgust, 610-son
- 3.Mohanan, K. P. Assessing quality of teaching in higher education. Centre for Development of Teaching & Learning, 1-4. Retrieved on April 18, 2006
- 4.Afanaseva M.P.,Keyman I.S.,Sevruk A.I.Upravlenie kachestvom v obrazovatelnom uchrejdenni // Standarti i monitoring v obrazovanii. -1999. -№ 1.S. 35-38.
- 5.Plotnikov Leonid Dmitrievich Sistema upravleniya kachestvom obrazovaniya v obrazovatelnom uchrejdenni (bakalavriat).Leksiya 5. 2016